



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛЬТЕТИ



«ИҚТИСОДИЁТ ВА КЎЧМАС МУЛКНИ БОШҚАРИШ» КАФЕДРАСИ

5810900-“Сервис (уй-жой коммунал, маиший хизматлар)”

таълим йўналиши

Талаба: Абдураззоқов Докиёр Хусан угли НИНГ  
(фамилияси, исми ва шарифи)

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирув малакавий иши мавзуси: \_\_\_\_\_

Коммунал тўловлар тарихини қайта кўришда  
ва тўловларни ташкил этишда ХУЎСМШнинг рўли

Кафедра мудири: Ёдгоров В.У Ёриев /«19» 06 2014 й.

БМИ раҳбари: Бутунов Д.А / Ан /«18» 06 2014 й.

ТОШКЕНТ – 2014

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
BAZIRЛИГИ

TOШKENT APXИTEKTYPA – ҚУРИЛИШ ИHCTИTYТИ

ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛЬТЕТИ


«ИҚTИСОДИЁТ ВА КЎЧМАС МУЛКНИ БОШҚАРИШ» КАФЕДРАСИ

5810900 – Сервис (Уй-жой коммунал ва маиший хизматлар) таълим йўналиши

«Тасдиқлайман»

Кафедра мудири

2014 й. «13»

  
Январь

Талаба Ибдураazzoков Домиёр Хусан ўгли нинг  
(фамилияси, исми, шарифи)

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ БАЖАРИШ УЧУН

**ТОПШИРИК**

1. Ишнинг мавзуси Коммунал тўловлар шикдорлиги  
намайтиришда ва тўловлари тахмин этишда  
ХУЖМШ ми р.ш. институт ректорининг 2013 й.  
«17» декабрь №2/342 - сон буйруғи билан тасдиқланган.
2. Бошланғич маълумотлар Ўз. Рес. Пр.нинг фармони ва  
қорларчи вазирлар мажлиси маърий хужжатлари  
ЎЖКХ шик адабиётлари, «Ғайз коммунал»  
ХУЖМШ шик маълумотлари.
3. Алохида топширик ХУЖМШ шик даражолар ва  
қаражатлар сметасини шикелантиришнинг  
ресублик асослари ўргатиш.
4. Ёзма қисми (ҳисоб-китоб ва тушунтирув хати)нинг мазмуни Қириш,  
I Уй-жой хужжалиги тузишда хусусий уй-жой шикдорлари  
ширкоятининг ўрни ва аҳамияти II - «Ғайз коммунал» ХУЖМШ  
Уй-жой фондига хизмат кўрсатиш формати тахмин,  
III Коммунал хизматлар кўрсатишда ва тўловлари тахмин этишда  
хусусий уй-жой шикдорлари шикдорлари формати ривожлан-  
тириш йўналишлари.

5. Намойиш чизмалари рўйхати Презентациялар

6. Битирув малакавий иши бўйича қўшимча маслахатчилар

Бўлимлар	Маслахатчи	Имзо ва сана	
		Топширик берилди	Топширик қабул килинди
II-Боб	Қурбанова З.А.	28.04.2014	28.05.2014

7. Топширик берилган сана \_\_\_\_\_

8. Битирув малакавий ишини бажариш режаси

№	Иш босқичлари	Бажариш муддати	Изоҳ
I	Изоҳий кириш қисми ишлаб чиқиш	XII-2013, I-2014	
II	ХУЖМнинг қошебий қўрама расмий тахлил қилиш	II-2014 V-2014	
III	Хўлақа ва тақрифларни ишлаб чиқиш	IV-2014 V-2014	
IV	БНЦ ни расмийлаш - тириш	V-2014 - VI-2014	

9. Химояга тақдим этиш муддати \_\_\_\_\_

10. Битирувчи талаба Абдураazzoков Д.Х  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

11. Битирув малакавий иши раҳбари Бутов Д.И  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

## Мундарижа

Кириш.....	3
<b>I БОБ. УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИДА ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....</b>	<b>6</b>
1.1. Уй-жой коммунал хўжалиги хизмат кўрсатиш тизими.....	6
1.2. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва вазифалари.....	11
1.3. Коммунал тўловларни ташкил этишда ХУЖМШнинг ўрни.....	25
<b>II БОБ. “ФАЙЗ КОММУНАЛ” ХУЖМШ УЙ-ЖОЙ ФОНДИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>37</b>
2.1. “Файз коммунал” ХУЖМШнинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари.....	37
2.2. “Файз коммунал” ХУЖМШнинг хўжалик фаолияти ва сметаси таҳлили.....	40
2.3. ХУЖМШ фаолиятининг молиявий натижалари таҳлили.....	46
<b>III БОБ. КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ВА ТЎЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....</b>	<b>57</b>
3.2. Кўрсатилган коммунал хизмат учун тўловларни ундириб олиш ва мавжуд дебитор қарздорликни қисқартириш йўналишлари.....	57
3.2. ХУЖМШ фаолиятини ривожлантириш имкониятлари.....	63
Хулоса.....	68
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	71
Иловалар.....	75

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Коммунал хўжалигининг энг йирик соҳаси бўлиб- уй-жой хўжалиги ҳисобланиб, у ўз ичига уй-жой фондини, уй-жой фондиги хизмат кўрсатувчи корхоналарни ва аҳолига хизмат кўрсатадиган иншоотларни олади.

Мустақилликдан кейин уй-жой фондининг хусусийлаштирилиши натижасида уй-жой фондига хизмат кўрсатишининг янги шакллари вужудга келди, яъни хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ташкил этилди. Соҳада рақобатни ривожлантириш мақсадида профессионал бошқарув компаниялари ташкил этилди.

Бугунги кунда республикада 30708 та кўп квартирали уй мавжуд бўлиб, шундан 28770 та кўп квартирали уйларга 4979 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатмоқда. Тошкент шаҳри бўйича 2327 та ширкат ташкил қилинган бўлиб, 9107 та кўп қаватли уйлар бириктирилган. Тошкент шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ассоцияси маълумотига кўра, ушбу ширкатларнинг 714 таси яхши, 1057 таси қониқарли, 556 таси қониқарсиз фаолият кўрсатмоқда.

“Хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши, аввало қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникатсия соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича биз иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий орқада қолмоқдамиз”.

Бу тармоқда аҳолига таклиф қилинаётган хизматлар доирасини кенгайтириш ҳамда сифатини ошириш учун қўшимча ресурслар, янги техник воситалар талаб қилиниб, уй-жой фондига хизмат кўрсатишнинг таннархини оширади. Шунинг учун уй-жой хўжалиги

хизматларининг тарифларини ўзгармайдиган ҳолда ушлаб туриш, ушбу тармоқни модернизация қилиш зарурияти ортиб бормоқда. Бу вазифаларни амалга оширишда уй-жой фондини сақлаш ва фойдаланиш харажатларини оптимал шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

**Битирув малакавий ишининг мақсади** иқтисодийни модернизациялаш шароитида коммунал тўловлар таннархини камайтиришда ва тўловларни ташкил этишда ХУЖМШнинг ролини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш режалаштирилган:

- Ўзбекистон Республикасида коммунал хизматлар ва уларни ташкил асосларини ёритиб бериш;

- хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва вазифаларини очиб бериш;

- “Файз коммунал” ХУЖМШнинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини ёритиб бериш;

- “Файз коммунал” ХУЖМШнинг хўжалик фаолияти таҳлил қилиш;

- “Файз коммунал” ХУЖМШнинг даромадлар ва харажатлар сметасини таҳлил қилиш;

- Ширкатларининг уй-жой фондига хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- Уй-жой фондига хизмат кўрсатишда рақобат муҳитини шакллантириш ва профессионал бошқарув компанияларини ташкил қилиш бўйича тавсиялар бериш иборат.

**Битирув малакавий ишининг объекти** қилиб Тошкент шаҳридаги “Файз коммунал” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати қабул қилинди.

**Битирув малакавий ишининг предмети** хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида уй-жой фондидан фойдаланиш муносабатлари, уларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари.** Битирув малакавий

ишини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, мавзуга оид хорижий ва республикамиз иқтисодчи олимларининг асарларига таянилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, иқтисодий қонунлар, тегишли меъёрий-ҳужжатлар, Ўзбекистон “Ўзкоммунхизмат” Агентидагининг маълумотлари, ҳамда интернет сайтлари маълумотларидан муҳим ахборот манбаа сифатида фойдаланилди.

**Битирув малакавий ишининг таркиби ва тузилиши:** битирув малакавий иши таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ҳамда иловалардан иборат.

# I БОБ. УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИДА ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

## 1.1. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизими

Хизматлар соҳаси халқ хўжалиги мажмуининг таркибий қисми бўлиб иқтисодий муносабатлар умумий тизими таркибига киради ва жамиятдаги мавжуд иқтисодий қонунларга бўйсунди. Ҳозирги кунда тармоқларнинг халқаро таснифида улар уч секторга бўлинади: бирламчи (қишлоқ хўжалиги, қазиб олиш саноати), иккиламчи (қайта ишлаш саноати) ва учламчи (хизматлар соҳаси ёки ижтимоий соҳа). Бугунги кунга келиб, иқтисодий адабиётларда хизматлар соҳасининг чегаралари тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Жумладан, ушбу соҳага маиший хизматлар, йўловчи транспорти хизматлари, алоқа хизматлари, турар жой коммунал хизматлари, таълим, маданият, санатория-соғломлаштириш, ҳуқуқ соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий функциялари бир-бирига ўхшаш хизматлар киради.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш даражасини янада ошириш, аҳолига янги замонавий ва сифатли хизмат турлари кўрсатиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда бандлик масаласини ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини кучайтириш мақсадида мамлакатимизда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майда “Ўзбекистон республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қабул қилинган 640-сонли қарорини мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин. Ушбу қарорда Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар, амалга ошириладиган ишлар батафсил кўрсатиб ўтилган.

Президент Ислом Каримовнинг 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” номли маърузасида ҳам ушбу соҳада эришилаётган ютуқларга алоҳида эътибор қаратган.

Коммунал хизматлар ҳажми ресурсларни тежаш технологияларини татбиқ этган ҳолда ҳам пасайиш кузатилмоқда, шунингдек, уй-жойларни таъмирлаш бозорида ҳам рақобат муҳити паст даражада. Хусусий хонадон ва уйларда таъмир ва коммунал хизматларни кўрсатиш бўйича кичик корхоналар тармоғи ҳам етарли даражада ривожланмаяпти.

#### 1.1- жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида 1996-2011 йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш соҳасидаги таркибий ўзгаришлар

		млрд.сўм				
		1996	2000	2005	2010	2011
	Барча кўрсатилган хизматлар	34	309,9	1628,5	7858,0	10520,9
	шу жумладан:					
1	маиший хизматлар	5,1	48,8	249,6	624,3	902,1
2	транспорт	13,4	113,6	548,9	2090,3	2687,3
3	алоқа	1,8	25,9	165,3	1387,0	1816,8
4	уй-жой коммунал	7,6	61,1	317,0	1305,5	1761,6
5	халқ таълими соҳаси	0,7	74,4	101,0	608,4	798,3
6	маданият	0,3	2,9	10,1	42,5	62,8
7	туристик-экскурсия хизматлари	0,4	2,6	14,6	37,7	50,2
8	жисмоний тарбия ва спорт	0,0	0,9	4,5	37,2	44
9	соғлиқни сақлаш	0,6	4,4	35,0	214,9	265,1
10	санатория-курорт ва соғломлаштириш	0,9	3,9	11,3	39,4	47,7
11	ҳуқуқий характердаги ва банк-муассасалари хизматлари	1,0	7,0	24,0	385,7	643,7
12	бошқалар	2,2	24,5	147,2	1085,1	1441,3

Уй-жой коммунал хўжалиги – бу мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизим бўлиб, у аҳоли ҳаётининг эҳтиёжларини қондиради. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида иқтисодийнинг турли тармоқларига тегишли бўлган корхона ва ташкилотлар томонидан аҳоли турмушида газ, сув, иссиқлик энергияси каби зарур бўлган ресурслар етказиб берилиши билан бирга уларда катта миқдордаги меҳнатга лаёқатли аҳолини иш ўринлари билан таъминлайди.

Уй-жой коммунал хўжалиги тизими аҳоли турар жойлари, маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари, ноишлабчиқариш ва ижтимоий соҳада фойдаланилаётган бинолар, иншоотлар, ҳудудлар ва узатувчи магистралларга хизмат кўрсатувчи, фойдаланишни ташкил этувчи, қурилиш-таъмирлаш, транспорт, энергия ишлаб чиқарувчи ва бошқа турли товар ва хизматларни амалга оширувчи корхоналардан ташкил топган, кенг қамровли фаолиятининг пировард натижаси инсон ҳаёт фаолиятини ташкил этувчи, шаҳар инфратузилмасини ривожлантирувчи ва экологик муҳитни яхшилашга хизмат қилувчи соҳа ҳисобланади.

Уй-жой коммунал хўжалиги тизимининг ўзига хос хусусияти унинг кўп тармоқлилиги ва турли-туман хизматлардан ташкил топганлигидадир. Кўп соҳа ва тармоқлардан ташкил топган уй-жой коммунал хўжалиги тизими ўз навбатида, турли ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосдаги ишлаб чиқариш ва ноишлабчиқариш соҳаси корхона ва ташкилотларига хизмат кўрсатади, улар фаолиятини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Уй-жой коммунал хўжалиги аҳолини фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ экан албатта, аҳоли яшайдиган шаҳар ва қишлоқларда турли хилдаги коммунал хизматларга эҳтиёж мавжуд бўлади. Доимий яшаш жойларида аҳоли сонининг кўпайиб бориши ўз навбатида коммунал хизматларга эҳтиёжнинг ортиб боришига олиб келади. Масалан, ҳозирги кунда чекка ҳудудларда жойлашган кичик қишлоқда фақат электр энергияси таъминоти ташкил этилган, қишлоқ жойлари ва аҳоли яшаш марказларида (посёлкалар) электр энергияси, газ ва ичимлик суви

таъминоти тизими фаолият кўрсатса, шаҳарларда эса коммунал хизматларнинг турли-туман шакллари мавжуд. Коммунал хўжалик тизими ва коммунал хизматларнинг ташкил этилиш даражаси аҳолига фаровон яшаш учун яратилган шарт-шароитни кўрсатади. Аҳоли сонининг кўпайиб бориши маълум ҳудуд чегараларининг кенгайиб боришига, коммунал хизматлар тизимининг такомиллашиб боришига ва вақт ўтиши билан қишлоқ жойларининг аҳоли яшаш марказларига, аҳоли яшаш марказларини эса шаҳарларга айланишига олиб келади.

Шаҳар бу йирик аҳоли яшовчи маъмурий ҳудуд бўлиб, у ишлаб чиқариш, савдо ва маданият маркази ҳисобланади. Шаҳар коммунал хўжалик тизими нафақат аҳолининг фаровон яшаш учун шарт-шароит яратувчи, балки барча турдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари, ижтимоий соҳа ва маъмурий бошқарув тизими корхона ва ташкилотларига турли коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар мажмуасидан ташкил топади. Юридик маъқъега эга бўлган ҳар қандай корхона ўз фаолиятида коммунал хизматларнинг у ёки бу турларидан фойдаланади.

Уй-жой коммунал хўжалиги тизими таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар, кўрсатадиган хизмат турларидан келиб чиқиб, асосан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- 1) Уй-жой мажмуасига хизмат кўрсатиш ва уй-жой фондини таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари;
- 2) Иссиқлик энергияси таъминоти хўжалиги;
- 3) Газ таъминоти хўжалиги;
- 4) Электр энергетика таъминоти ва кўчаларни ёритиш хўжалиги;
- 5) Сув таъминоти ва оқова-қувур хўжалиги;
- 6) Мухандислик тизимлари ва иншоотлари (лифт, ҳавони шамоллатиш - совитиш ва бошқалар)га хизмат кўрсатиш корхоналари.

Уй-жой коммунал хўжалиги шаҳар хўжалигининг асосий қисмини ташкил этиб, шаҳар хўжалиги инфратузилмасида уй-жой коммунал хўжалиги

билан бевосита боғлиқ бўлган ва коммунал хўжалиги тизимининг ажралмас қисми ҳисобланувчи соҳаларга қуйидагилар киради:

1. Йўл хўжалиги ва шаҳар аҳоли ташиш транспорти;
2. Алоқа хизмати ва муҳандислик коммуникациялари, хабар берувчи ва ёнғин хавфсизлигини таъминловчи хизматлар;
3. Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш;
4. Санитария-гигиена ва экологик ҳимояни таъминлаш ҳамда назорат қилиш хизматлари;
5. Истироҳат боғлари, хиёбонлар, чўмилиш ҳавзалари ва бассейнлари;
6. Ҳайкаллар ва тарихий обидаларни сақлаш;
7. Меҳмонхона хўжалиги;
8. Ҳаммомхона ва кир ювиш хўжалиги;
9. Ижтимоий соҳа ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари.

Аҳолига бевоста шартнома асосида кўрсатилаётган хизмат турлари таркибидан келиб чиқиб коммунал хўжалиги тизими ташкилотлари асосан 8 гуруҳга бўлинади.

Шаҳарлар – бу иқтисодий алоқалар, кўп тармоқли таркибий тузулмалар ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ижтимоий ва бошқа объектлар йиғиндисидан иборат мураккаб тизим ҳисобланади.

Бундай мураккаб тизимнинг фаолият кўрсатиши учун ҳар хил турдаги тарқоқ, идоравий ва иқтисодий тузилмаси турли-туман бўлган корхона ва ташкилотларни ягона хўжалик механизмига айлантириш зарур.

Шаҳарнинг ҳудудий яхлитлиги барча турдаги корхоналар, ташкилотлар ва хўжалик субъектларини, уларнинг идоравий тасарруфидан қатъий назар, ягона ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура сифатида бирлаштиради. Меҳнат ва табиий ресурслар, ҳудуд, йўллар, коммуникациялар, хизмат кўрсатиш объектларидан ҳамкорликда фойдаланиш жараёнлари шаҳардаги умумий яхлитлигини таъминлайди.

Ишлаб чиқариш кучлари, турар жой ҳудудлари ва транспорт

тизимларининг жойлашиши коммунал хўжалиги корхоналарининг ташкил этилиши ва самарали фаолият кўрсатишга таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳар бир шаҳарда ўзига хос коммунал-хўжалиги тизими шаклланади. Мазкур тизим фаолияти самарадорлигини ошириш жойларда бошқарув механизмининг ташкил этилганлигига боғлиқ боғлади. Амалиётда коммунал-хўжалиги тизими фаолияти маҳаллий ҳокимият томонидан координация қилинади. Ҳар бир шаҳар, туман ҳокимияти ҳузурида уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси фаолиятини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи хизматлар фаолият кўрсатади. Масалан, Тошкент шаҳрида коммунал хўжалиги тизими фаолияти Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги Коммунал хўжалиги бош бошқармаси томонидан тартибга солинади. Бозор иқтисодиёти шароитида мазкур хизматлар фаолияти коммунал хўжалиги тизимини маъмурий бошқаришга эмас, балки соҳадаги корхона ва ташкилотлар ўртасида рақобат муҳитини шакллантиришга, улар фаолиятини шартнома муносабатлари асосида ташкил этишга йўналтирилган.

## **1.2. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва вазифалари**

Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати кўп квартирали битта ёки яқин, зич жойлашган, ободонлаштириш элементлари бўлган умумий ер участкаси билан қамраб олинган бир нечта уйдаги хусусий турар жойлар мулкдорларининг бирлашмасидир. Ширкат хусусий турар жойлар мулкдорларининг ташаббуси билан ташкил этилади, у нотижорат ташкилоти бўлиб, ўз уставига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсатади.

Ширкат ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавоб беради ва ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Ширкат аъзоси ширкатнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкат уй-жой фондини биргаликда бошқариш ва уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни, кўп квартирали уйдаги

турар жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкидан фойдаланилишини таъминлаш учун ташкил этилади.

Ширкатнинг фаолияти куйидаги принципларга асосланади:

- ихтиёрийлик;
- ташкилий ва молиявий жиҳатдан мустақиллик;
- ўзини ўзи бошқариш;
- очиклик ва ошкоралик;
- ўз ишини бозор механизмларига мувофиқ шартнома асосида ташкил этиш;

• коммунал хизматлар ва таъмирлаш хизматлари бозоридаги рақобат;

- уй-жой мулкдорлари олдида мунтазам ҳисобот бериш.

Кўп квартирали уйдаги турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс кўп квартирали уйдаги турар жой мулкдоридир.

Жой мулкдори умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчисидир. Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдоридир. Яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчисидир.

Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммасига олиши шарт. Яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорининг умумий харажатлардаги иштироки улуши уйнинг умумий майдонидаги мулкдорга қаршли яшаш учун мўлжалланмаган жой майдонига муносиб равишда белгиланади.

Ширкатнинг кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори билан муносабатлари улар ўртасида мажбурий тартибда тузиладиган шартнома билан тартибга солинади. Кўп квартирали уйдаги

яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори шартнома тузишдан бўйин товлаган тақдирда, ширкат шартнома тузишга мажбурлаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ширкатлар билан ўзаро муносабатлари ширкатнинг ўз фаолиятини мустақил амалга оширувчи, уй-жой мулкдорлари ўзини ўзи бошқаришининг ҳақиқий институти сифатидаги мақомидан келиб чиқиб, ортиқча йўл-йўриқлар кўрсатмаган ҳолда ташкил этилади. Ширкатлар ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг ташкил этилиши, кўп квартирали уйларда яшовчиларнинг уй-жой фондида яшаш қоидаларига риоя этиши масалалари ҳамда биргаликда ҳал этишни талаб қиладиган бошқа масалаларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилади.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлар ўз фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, тажриба алмашиш, умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш, ширкатларнинг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда фаолиятининг бошқа умумий масалаларини ҳал этиш мақсадида уюшмаларга (иттифоқларга) бирлашишга ҳақлидир. Кўп квартирали уйларни бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳам ширкатларнинг уюшмаларига (иттифоқларига) кириши мумкин.

Ширкатни ташкил этиш тўғрисидаги қарор кўп квартирали битта ёки яқин, зич жойлашган бир нечта уйдаги жойлар мулкдорларининг кўп квартирали ҳар бир уйдаги барча жой мулкдорларининг ёки улар вакилларининг эллик фоизидан кўпи ҳозир бўлган умумий йиғилишида қабул қилинади. Жой мулкдорларининг умумий йиғилиши исталган жой мулкдорининг ташаббуси билан чақирилади.

Ширкатни ташкил этиш тўғрисидаги қарор, агар барча жой мулкдорларининг эллик фоизидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Кўп квартирали яқин, зич жойлашган бир нечта уйдаги жой мулкдорларини бирлаштирадиган ширкат ташкил этилаётганда

ана шу уйларнинг ҳар биридаги жой мулкдорларининг эллик фоиздан кўпининг розилиги олинган бўлиши керак. Жой мулкдорларининг умумий йиғилишга ёзма шаклда берилган овозлари, агар унда ширкатни ташкил этиш масаласи бўйича мулкдорнинг қарори ва унга қарашли жой манзили кўрсатилган бўлса, ҳисобга олинишига йўл қўйилади.

Ширкатни ташкил этиш тўғрисидаги қарор кўп квартирали уйдаги барча жой мулкдорлари учун мажбурийдир. Жой мулкдорларининг ташкилий умумий йиғилиши, қоида тариқасида, қуйидаги кун тартиби билан ўтказилади:

- ширкатни ташкил этиш тўғрисида;
- ширкатнинг уставини тасдиқлаш тўғрисида;
- ширкат бошқаруви раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида;
- ширкатнинг тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисида.

Жой мулкдорларининг ташкилий умумий йиғилишида ширкатни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Жой мулкдорлари ташкилий умумий йиғилишининг овоз бериш натижалари ҳамда ёзма шаклда берилган овозлар сони кўрсатилган баённомасини йиғилиш раиси ва котиби имзолайди.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг уставида қуйидагилар бўлиши керак:

- ширкатнинг тўлиқ номи, фаолиятининг соҳаси ва мақсади, жойлашган ери (почта манзили);
- жой мулкдорлари ширкатга бирлашган кўп квартирали уйнинг (уйларнинг) манзили;
- ширкатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- ширкат аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- мажбурий бадалларнинг миқдорларини белгилаш ва ширкат аъзолари томонидан уларни тўлаш тартиби;
- умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкни ҳамда бошқа фаолиятини бошқариш тартиби;

- ширкатнинг бошқариш органлари ва тафтиш комиссиясининг миқдор таркиби ҳамда сайланиш муддати тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг ваколатлари, қарорлар қабул қилиш тартиби.

Ширкат уставида ширкат фаолияти билан боғлиқ бўлган, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин. Ширкатнинг намунавий устави Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ширкат давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

Жой мулкдорлари - юридик ва жисмоний шахслар ширкат аъзолари бўлади. Жой бошқа шахсга берилган тақдирда, унинг мулкдори - ширкат аъзоси янги мулкдорни ўзининг ширкат аъзоси эканлиги ҳамда ширкат уставида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгаллиги, бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар янги мулкдорга ўтиши ҳақида хабардор қилиб қўйиши шарт.



1.1-расм. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари динамикаси

Ширкат ташкил этилган уйдан жой олган шахслар ўзларида шу жойга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келган пайтдан эътиборан ширкат аъзоси

бўлади. Ширкатга аъзолик куйидаги ҳолларда тугатилади:

- жойга бўлган мулк ҳуқуқи бекор қилинганда;
- айрим кўп квартирали уйдаги жой мулкдорларининг кўпчилиги томонидан ширкатдан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинганда;
- ширкат тугатилганда.
- Ширкат куйидаги ҳуқуқларга эга:
  - умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкни сақлаш усулини белгилаш;
  - ширкатнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини белгилаш;
  - ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари миқдорларини белгилаш;
  - умумий мол-мулкни ва ширкатнинг мол-мулкни бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш, шунингдек коммунал ва бошқа хизматлар кўрсатиш учун юридик ҳамда жисмоний шахслар билан танлов асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ шартномалар тузиш;
  - умумий мол-мулкдан, ширкатнинг ер участкасидан ва мол-мулкдан фойдаланиш қоидаларини уставда назарда тутилган тартибда белгилаш;
  - банкларнинг кредитларидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда фойдаланиш;
  - ўз мол-мулкни, шу жумладан айланма маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил тасарруф этиш;
  - ер участкаларини доимий фойдаланиш учун белгиланган тартибда олиш;
  - ер участкасида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ хўжалик бинолари ва бошқа иморатлар қуриш;
  - мулкдорнинг жойи ичидаги умумий мол-мулкнинг ҳолатини назорат қилиш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш мақсадида

мулкдорни олдиндан хабардор қилгач, мулкдорнинг жойига унинг борлигида кириш ёки авария юз берган тақдирда белгиланган тартибда дарҳол кириш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мол-мулк олиш, ширкатнинг мол-мулкни сотиш, топшириш, айирбошлаш, ижарага бериш, балансдан чегириб ташлаш;

- ширкат аъзоларига ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

- маблағлари ширкат уставида назарда тутилган мақсадларга сарфланадиган махсус фондларни ташкил этиш.

Ширкат умумий мол-мулкни асрашни таъминлаш мақсадида мулкдорларнинг жойларини белгиланган тартибда қайта қуриш, ўзгартириш, қайта жиҳозлашни келишиб олишни амалга оширади. Ширкат қонун ҳужжатларига ва ширкатнинг уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Ширкат:

умумий мол-мулк, ширкатнинг ер участкаси ва мол-мулки белгиланган қоидалар, нормалар ҳамда стандартларга мувофиқ асралаши ва сақланишини таъминлаши;

ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ва жой мулкдорлари йиғилишларининг қарорлари бажарилишини таъминлаши;

мажбурий бадаллар ва тўловлар ўз вақтида келиб тушишини таъминлаши;

ҳар йили умумий мол-мулкни сақлаш ишлари режасини, шу жумладан кўп квартирали ҳар бир уй учун шундай режани белгилаши ва унинг ижросига доир ҳисобот тузиши;

ҳар йили ширкатнинг даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда унинг ижросига доир ҳисобот тузиши, шу жумладан кўп квартирали ҳар бир уй бўйича шундай смета ва ҳисобот тузиши;

умумий мол-мулкдан фойдаланиш шартлари ва тартиби белгиланаётганда барча ширкат аъзоларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний

манфаатларига риоя этилишини таъминлаши;

қонун ҳужжатларида ва ширкат уставида назарда тутилган ҳолларда, учинчи шахслар билан умумий мол-мулкни сақлаш, унга эгаллик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш, коммунал хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларда ширкат аъзоларининг манфаатларини ифодалашни шарт.

Ширкатни қайта ташкил этиш, қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш ва ажратиб чиқариш шаклида амалга оширилиши мумкин. Ширкатни қайта ташкил этиш ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ширкат аъзоларининг эллик фоизидан кўп овози билан қабул қилган қарорига биноан амалга оширилади. Қайта ташкил этилаётган ширкатнинг мол-мулкни ажратиб ёки бўлиб бериш ширкат аъзоларининг ширкат мол-мулкни шакллантиришдаги иштирокига мутаносиб тарзда амалга оширилади. Ширкат қайта ташкил этилаётганда умумий мол-мулкка тааллуқли техник ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиб олиш-топшириш амалга оширилади. Ширкатни тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

## 1.2 -жадвал

### Тошкент шаҳри уй-жой фонди маълумот

2012 йил 1-январ ҳолатига

№	Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	Ўзбекистон бўйича	шундан Тошкент шаҳри	
				Сони	фоизда
1.	Кўп қаватли уйларда яшовчилар сони	минг.киши.	5289	1505	28,4
2.	Кўп қаватли уйлар сон	уй-жой. дона	29 448	9 107	30,6
3.	ХУЖМШ лар сони	та	4 879	2 327	49,0
4.	шундан: 1 та турар-жойли	та	1 530	875	58,1
5.	Профессional бошқарув компаниялар сони	та	397	158	39,8

Ширкат тугатилаётганда ширкатнинг кредиторлар талаблари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулки ширкат аъзолари ўртасида ширкат аъзоларининг ширкат мол-мулкини шакллантиришдаги иштирокига муносиб тарзда тақсимланади.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ва ширкат бошқаруви ширкатнинг бошқариш органларидир.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ширкатнинг олий органидир. Бошқарув ширкатнинг ижро этувчи органи бўлиб, ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига ҳисобот бериши шарт. Ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколатларига қуйидагилар киради:

ширкат уставини тасдиқлаш ҳамда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

ширкатнинг бошқарувини, бошқарув раисини ва тафтиш комиссиясини сайлаш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

умумий мол-мулкни ва ширкат мол-мулкини бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш усулини танлаш;

умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкни сақлаш ишларининг йиллик режасини ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш;

ширкатнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш;

ширкат аъзолари мажбурий бадалларининг миқдорини тасдиқлаш;  
бошқарувчиликка (ижрочи директорликка) номзодни ёки бошқарувчи ташкилотни тасдиқлаш;

ширкат бошқаруви раисига, аъзоларига ва тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш;

ширкат ходимларининг, шу жумладан бошқарувчининг (ижрочи директорнинг) иш ҳақи миқдорини ва уларни тақдирлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

ширкатнинг махсус фондларини тузиш ва улардан маблағлар сарфлаш тартибини белгилаш;

умумий мол-мулкдан, ширкатнинг ер участкасидан ва мол-мулкдан фойдаланиш қоидаларини белгилаш;

ширкат аъзоларининг ширкат бошқаруви раиси, аъзолари ҳамда тафтиш комиссияси фаолиятига тааллуқли ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш;

кўп квартирали уйдаги жойларни қайта куриш, ўзгартириш ва қайта жиҳозлашни келишиб олиш тартибини белгилаш;

умумий мол-мулкни ижарага бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

хўжалик бинолари ва бошқа биноларни куриш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

қарз маблағлари олиш, шу жумладан банк кредитлари олиш, шунингдек битта уйдаги жой мулкдорларининг маблағларини ширкатдаги бошқа уйнинг эҳтиёжлари учун олиб туриш (қайта тақсимлаш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

ширкатнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромаддан (фойдадан) фойдаланиш йўналишларини белгилаш;

ширкатларнинг уюшмаларига (иттифоқларига) ва бошқа бирлашмаларга кириш ҳамда улардан чиқиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

ширкатни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

бошқарув раиси ва бошқарувчи (ижрочи директор) ширкат аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этмаган тақдирда, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг бошқарув раисини чақириб олиш ҳамда бошқарувчини (ижрочи директори) лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги таклифларини, шунингдек ана шу лавозимларга номзодлар бўйича тавсияларини кўриб чиқиш.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши йилига камида бир марта

ширкат уставида белгиланган тартибда чақирилади. Ширкат аъзоларининг ҳар йилги умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олтмиш кундан кечиктирмай чақирилади. Ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бошқарувнинг, ширкатда камида ўн фоиз овозга эга бўлган ширкат аъзоларининг ташаббусига, шунингдек тафтиш комиссиясининг талабига биноан чақирилиши мумкин. Ширкат қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган тақдирда ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан чақирилиши мумкин.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган жой, сана, вақт, йиғилиш кун тартиби ҳақида ширкат аъзоларини хабардор қилиш ширкат уставида белгиланган тартибда амалга оширилади. Агар ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши кун тартибига умумий мол-мулкни сақлаш ишларининг режаларини, даромадлар ва харажатлар сметаларини, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни, мажбурий бадаллар миқдорларини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш киритилган бўлса, ширкат бошқаруви умумий йиғилиш ўтказилгунига қадар ширкат аъзоларига мазкур ҳужжатларнинг лойиҳалари билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаши шарт. Бундай танишиш тартиби ширкатнинг уставида белгиланади.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши, агар йиғилишда ширкат аъзоларининг ёки улар вакилларининг эллик фоизидан кўпроғи ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Биттадан ортиқ уйдаги жой мулкдорларини бирлаштирган ширкатлардаги йиғилишда кўп квартирали ҳар бир уйдаги жой мулкдорларининг ёки улар вакилларининг камида эллик фоизи ҳозир бўлиши керак. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишини оддий кўпчилик овоз билан сайланадиган йиғилиш раиси олиб боради.

Ширкатнинг ҳар бир аъзоси умумий йиғилишда бир овозга эга бўлади. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши баённома билан расмийлаштирилади. Баённома йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади. Ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколатига киритилган

масалалар бўйича қарор, агар ширкат аъзоларининг эллик фоизидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Қарор қабул қилинаётганда йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича ширкат аъзосининг қарори кўрсатилган ва имзоси қўйилган ҳолда йиғилишга ёзма шаклда берилган ширкат аъзоларининг овозлари ҳисобга олиниши ширкат уставида белгилаб қўйилиши мумкин.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида қабул қилинган қарор ширкатнинг барча аъзолари учун мажбурийдир. Ширкат бошқаруви ширкатнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширади. Ширкат бошқаруви ширкат аъзолари орасидан ширкат уставида белгиланган таркибда ва муддатга умумий йиғилиш томонидан сайланади. Ширкат бошқаруви ширкат бошқаруви раиси томонидан ширкат уставида белгиланган муддатларда, лекин ойига камида бир марта чақирилади. Ширкат бошқарувининг мажлиси унда бошқарув аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли деб топилади. Ширкат бошқарувининг аъзоси бошқарув мажлисида бир овозга эга бўлади ва унинг қарорлари бошқарув аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ширкат бошқаруви ширкат фаолиятининг барча масалалари юзасидан қарорлар қабул қилишга ҳақли, ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

Ширкат бошқарувининг ваколатларига қуйидагилар киради:

ширкат аъзоларининг умумий йиғилишини ҳамда жой мулкдорлари йиғилишини чақириш ва уларнинг ўтказилишини ташкил этиш;

умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкни сақлаш ишлари режасининг лойиҳасини ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузиш;

ширкатнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳасини ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузиш;

ширкат устави талабларининг ва ширкат аъзолари умумий йиғилиши қарорларининг бажарилишини таъминлаш;

бошқарувчиликка (ижрочи директорликка) номзодларнинг ёки бошқарувчи ташкилотнинг танлов асосида танлаб олинишини ташкил этиш;

пудратчиларни танлов асосида танлаган ҳолда умумий мол-мулкка, ширкатнинг мол-мулкига хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш учун буюртмачи вазифаларини бажариш;

танлов ғолиби билан умумий мол-мулкни ва ширкат мол-мулкни бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш учун шартномалар тузиш

умумий мол-мулк, ширкатнинг ер учасгаси ва мол-мулки асралиши ва сақланиши устидан назорат қилиш;

ускуналар, асбоб-анжомлар ва бошқа моддий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиш, уларни сотиш, топшириш, айирбошлаш, ижарага бериш, шунингдек уларни ширкатнинг балансидан чегириб ташлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

ички меҳнат тартиби қоидаларини тасдиқлаш;

ширкат аъзоларининг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш;

иш юритиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини, маблағлар тушуми ҳамда уларни сарфлаш ҳисобини ширкатдаги кўп квартирали ҳар бир уй бўйича алоҳида-алоҳида юритиш;

ширкат аъзолари белгиланган мажбурий бадаллар ва тўловларни ўз вақтида тўлашлари устидан назорат қилиш ҳамда қарздорликни тугатиш чораларини кўриш;

ширкатнинг маблағларини ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши тасдиқлаган ширкат даромадлари ва харажатлари сметасига мувофиқ тасарруф этиш.

Ширкат бошқаруви қонун ҳужжатларига ва ширкат уставига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин. Ширкат аъзолари умумий йиғилишининг қарорига кўра ширкат бошқарувининг айрим ваколатлари шартномага биноан бошқарувчига (ижрочи директорга) ёки бошқарувчи ташкилотга ўтказилиши мумкин.

Ширкат бошқаруви:

уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш ишлари танлов асосида тузилган шартномаларга мувофиқ ташкил этилиши;

муҳандислик тармоқлари ва бошқа умумий мол-мулкка талаб даражасида хизмат кўрсатилиши таъминланиши;

таъмирлаш ишларининг белгиланган нормалар ва талабларга мувофиқ сифатли бўлиши ҳамда ўз вақтида бажарилиши;

ширкатнинг маблағларидан уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш учун мақсадли фойдаланилиши;

ер участкасининг санитария ҳолати талаб даражасида бўлиши, ободонлаштирилиши ва суғориш тармоғининг сақланиши учун ширкат аъзолари олдида жавобгардир.

Ширкат бошқаруви умумий мол-мулкни сақлаш ишлари режаларининг бажарилиши, амалга оширилган ҳамда режалаштирилаётган харажатлар, мажбурий бадаллар ва тўловларнинг йиғими, тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар (фойда) ҳақида ширкат аъзолари олдида мунтазам равишда, уч ойда камида бир марта ҳисобот беради. Ҳисобот тақдим этиш шакли ширкатнинг барча аъзолари учун ҳисоботдан фойдаланиш эркинлигини таъминлаши керак ва у ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Ширкат бошқаруви раиси умумий йиғилиш томонидан ширкат аъзолари орасидан ширкат Уставида белгиланган муддатга сайланади.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг бошқаруви раиси:

- ширкат бошқаруви фаолиятига раҳбарлик қилади;
- ширкатнинг манфаатларини ифодалайди;
- ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ва ширкат бошқарувининг қарорлари бажарилишини таъминлайди;
- ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ёки ширкат бошқарувининг қарорларига мувофиқ молиявий ҳужжатларни, шартномаларни имзолайди;

- умумий мол-мулкни ва ширкатнинг мол-мулкни бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш усуллари бўйича, бошқарувчиликка (ижрочи директорликка) номзод ёки бошқарувчи ташкилот бўйича бошқарув томонидан тайёрланган таклифларни ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши муҳокамасига киритади;

- ширкат ходимларининг иш ҳақи миқдори ва уларни тақдирлаш тўғрисидаги низом, ширкатнинг бошқа низомлари ва қоидалари юзасидан таклифларни ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши муҳокамасига киритади;

- қонун ҳужжатларига ва ички меҳнат тартиби қоидаларига мувофиқ ширкат ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ҳамда уларни бекор қилади.

Ширкат тафтиш комиссияси ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан ширкат аъзолари орасидан камида уч кишидан иборат таркибда кўпи билан икки йил муддатга сайланади. Ширкат тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида ширкат бошқарувининг аъзолари бўлиши мумкин эмас. Ширкат тафтиш комиссияси ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига ҳисобдордир. Ширкат тафтиш комиссияси ширкатнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади. Ширкат тафтиш комиссияси ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига ширкатнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида ҳар йили ҳисобот тақдим этиши шарт.

Ширкат тафтиш комиссиясининг ширкатнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисоботи ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида кўриб чиқилгунига қадар учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас. Шунингдек, ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ширкатнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун белгиланган тартибда аудиторлик ташкилотини жалб этиши мумкин.

Кўп квартирали уйнинг умумий жойлари, таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартиралар оралиғидаги ихоталанган (ўралма) пиллапоялар, зинапоялар, лифтлар, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар,

дахлизлар, техник қаватлар, ертўлалар, чердақлар ва томлар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмалар умумий мол-мулк ҳисобланади.

Умумий мол-мулк жой мулкдорларига умумий улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Умумий мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи жой мулкдорининг умумий мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқидаги улушига боғлиқ эмас. Умумий мол-мулкнинг айрим қисмлари ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши белгилаган тартибда ширкат аъзоларига ёки бошқа шахсларга фойдаланишга берилиши мумкин. Умумий мол-мулкнинг айрим қисмларидан фақат ўз манфаатлари учун фойдаланувчи ширкат аъзоси ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши белгилаган миқдорда ширкатга ҳақ тўлаши шарт. Жой мулкдорининг умумий мол-мулкдаги улуши асл ҳолида ажратиб берилиши мумкин эмас.

Жой мулкдорлари умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммаларига олишлари шарт. Умумий харажатлар ширкат аъзоларининг умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкни сақлаш билан боғлиқ харажатларидир.

Жой мулкдорининг умумий харажатлардаги иштироки улуши унинг умумий майдонидаги мулкдорга қарашли жой майдонига мутаносиб равишда белгиланади. Ширкат аъзолари умумий харажатларни қоплаш учун ҳар ойда, қоида тариқасида, пул шаклида мажбурий бадаллар тўлайдилар. Ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари миқдори ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Айрим ҳолларда ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши жой мулкдори томонидан мажбурий бадалларнинг бир қисмини тўлашнинг пул шаклини унинг умумий харажатлардаги иштирокининг бошқа турларига алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Мулкдорнинг ўзига қарашли жойдан фойдаланмаслиги ёхуд умумий мол-мулкдан фойдаланишдан воз кечиши уни умумий харажатларда тўлиқ

ёки қисман иштирок этишдан озод қилмайди.

Жой мулкдори ўзининг умумий харажатлардаги иштироки бўйича мажбуриятини ижара (аренда) шартномаси асосида жойни ижарага (арендага) олувчига ўтказиши мумкин. Жой мулкдори мажбурий бадаллар ва тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятлар ижарага (арендага) олувчига ўтказилганлиги тўғрисида ширкатни хабардор қилиши шарт.

Ширкат аъзолари ўзларига кўрсатилаётган коммунал хизматлар учун тўлайдиган ҳар ойлик тўловлар мажбурий тўловлар ҳисобланади. Мажбурий тўловларни тўлаш муддати ва уларнинг миқдори белгиланган тартиб қоидага асосан ҳамда коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналари (ижрочилар) билан тузилган шартномалар асосида белгиланади.

Умумий мол-мулкни сақлаш умумий мол-мулкнинг лозим даражадаги техник ва санитария ҳолатини таъминлашга қаратилгандир. Умумий мол-мулкни сақлаш уни бошқаришни, техник ва санитария ҳолатини сақлаб туришни (хизмат кўрсатишни), таъмирлашни ҳамда бу мол-мулкни асрашга ва ундан фойдаланиш бўйича зарур шароитлар яратишга қаратилган бошқа фаолиятни қамраб олади.

Умумий мол-мулкни бошқариш- ширкатнинг бошқариш органлари; бошқарувчи (ижрочи директор) - жисмоний шахс, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркор; бошқарувчи ташкилот - ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот умумий мол-мулкни ширкат билан тузилган шартнома асосида берилган ваколатлар доирасида бошқаради.

Умумий мол-мулкка хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича фаолият ширкат, жой мулкдорлари ва пудратчилар (юридик ёки жисмоний шахслар) томонидан амалга оширилиши мумкин. Пудратчилар умумий мол-мулкка хизмат кўрсатишни ва уни таъмирлашни ширкат, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартномалар асосида амалга оширади.

Ер участкалари ширкатга белгиланган тартибда доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилади. Ширкатлар қайта ташкил этилганда, шунингдек жой мулкдорлари ширкат аъзолигидан чиққанда (ширкатга аъзо бўлиб кирганда), ширкатларнинг ер участкалари чегаралари (ўлчамлари) белгиланган тартибда ўзгаради.

Ширкат таркибидан унинг аъзолари - жой мулкдорларининг бир қисми чиқиши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ер участкасининг бир қисми олиб қўйилиши ширкатга етказилган зарарнинг ўрни тегишли равишда қопланган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ширкатнинг розилиги билан амалга оширилади. Ширкатга тааллуқли бўлмаган объектларни ширкатнинг ер участкасида жойлаштириш ширкат аъзолари умумий йиғилишининг розилиги билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Ширкатнинг янги қуриладиган объектлари учун ажратиладиган ер участкаларининг ўлчамлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шаҳарсозлик нормалари қоидалари талабларига мувофиқ белгиланади. Ширкатнинг ширкат ер участкаларида жойлашган, алоҳида турган объектлар мулкдорлари билан муносабатлар қонун ҳужжатлари асосида ва мазкур мулкдорлар ўртасидаги келишув билан тартибга солинади.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулки пул маблағлари, бинолар, иншоотлар, ускуналар, асбоб-анжомлар, транспорт воситалар ҳамда ширкат маблағлари ҳисобига ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа усулларда олинган ўзга мол - мулкдан шунингдек ширкатнинг ер участкасидаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш элементларидан иборат бўлади.

Ширкатнинг пул маблағлари куйидагилардан таркиб топади:

- ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари;
- ширкат аъзоларининг ихтиёрий бадаллари;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари;
- тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар (фойда);

- бошқа даромадлар ва тушумлар.

Алоҳида кўп квартирали уйдаги жой мулкдорлар ширкат аъзолигидан чиққан тақдирда, бу кўп квартирали уйни капитал таъмирлаш учун жой мулкдорлари томонидан маблағларни мақсадли жамғариш ҳисобига тўпланган ширкат пул маблағларининг бир қисми янги тузилаётган ширкатга белгиланган тартибда ўтказилиши керак.

### **1.3. Коммунал тўловларни ташкил этишда ХУЖМШнинг ўрни**

2005 йил 11 февралда коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш ва масъулиятини ошириш, тарифларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик, шунингдек коммунал тармоқлардан фойдаланиш, уларни техник жиҳатдан замонавийлаштириш ва қайта жиҳозлаш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5-сонли «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тарифлар ва уй-жой-коммунал хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар дастури бажарилиши мониторингини олиб бориш республика комиссияси ташкил этилди.

Комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- коммунал хизматларнинг рақобат бозорини шакллантиришга, ушбу соҳада хусусий корхоналарни ривожлантиришга кўмаклашиш;
- коммунал хизматлар учун тарифларнинг асоссиз равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида коммунал хизматлар қиймати ва улар учун тарифлар миқдорини белгилашда харажатлар таркибини йилнинг ҳар чорагида ҳудудлар бўйича таҳлил қилиб бориш;

- ўрта ва паст босимли газ қувурларида табиий газ, тегишли коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан иссиқ сув ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришда улар исроф бўлишининг чекланган нормаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

- тасдиқланган дастурга мувофиқ коммунал хизматларни якка ва умумфойдаланиладиган тартибда ҳисобга олиш асбобларини ўрнатишни назорат қилиш ва улардан фойдаланишнинг тизимли мониторингини олиб бориш;

- ишлаб чиқариш ва коммунал хизматлар кўрсатиш жараёнида замонавий энергия тежайдиган технологияларни тадбиқ қилиш ва назорат ўрнатишни ташкил этиш.

Уша қарор асосида белгиландики, барча юридик шахслар — коммунал хизматлар истеъмолчилари истеъмол қилинган коммунал хизматлар учун календарь ой тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт;

шартномада белгиланган муддатлардан ўтиб кетган ҳар бир кун учун юридик шахслардан муддати ўтказиб юборилган сумманинг 0,4 фоизи, аҳолидан эса 0,1 фоизи миқдорида, аммо 50 фоиздан ошмайдиган миқдорда, пеня қўшиб ундирилади. Олинган пеня суммалари коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун тўлиқ ва мақсадли фойдаланилади;

коммунал хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўламаган истеъмолчилар ўрнатилган тартибда ушбу манбалардан узиб қўйилади;

газ ва сув тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олган, электр энергияси, табиий газ, совуқ ва иссиқ сув, иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига қасдан шикаст етказган, шунингдек ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштиришга йўл қўйган қоида бузувчилар қонунчиликка мувофиқ то жиноий жавобгарликкача тортиладилар.

2005 йил 1 июлдан бошлаб уй-жойлар ичидаги сув ўтказгичлари,

канализация, иссиқлик, электр тармоқлари ва қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш харажатлари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (ХУМШ) жамланган уй-жой мулкдорларининг маблағлари ҳисобидан қопланади ва, тегишли равишда, совуқ сув, иссиқлик ва электр энергияси етказиб берувчи корхоналарнинг харажатларига киритилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 26 февралдаги ПФ-3038-сон Фармониға мувофиқ хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига берилган солиқ имтиёзлари уй-жой мулкдорлари ширкатларининг профессионал бошқарувчи компанияларига ҳам жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сон қарорига мувофиқ 2005 йил 1 январдан бошлаб олинган коммунал хизматлар учун аҳоли томонидан ҳақ тўлаш истеъмолчиларнинг ихтиёрига кўра барча тижорат банки бўлимлари ва тўловларни қабул қилиш кассалари орқали чекловларсиз амалга оширилмоқда.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналарига улар томонидан кўрсатилган коммунал хизматлар, шу жумладан уй-жойларнинг мажбурий дастлабки тўловни амалга ошириш учун аҳолидан нақд пул маблағларини кассаларни четлаб мустақил йиғиш тақиқлади.

Шунингдек ушуб қарорда уй-жой мулкдорлари ва ундан фойдаланувчиларнинг коммунал хизматлар ҳақини, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатларини ўз вақтида тўлаш учун жавобгарлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Уй-жой мулкдорлари ва ундан фойдаланувчилар тузилган шартномаларға мувофиқ, коммунал хизмат, уй-жойларни сақлаш харажатларини тўлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси

ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларини кўпол равишда бузган ҳолларда шаҳар ва туманларнинг ҳокимликлари коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдимномасига мувофиқ, тўланмаган қарзларни айбдор шахслардан белгиланган тартибда ундириб олиш тўғрисида фуқаролик судларига даъво аризалари киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимликлари бўш ётган уй-жойларни уч ой муддатда хатланди.

Бўш ётган эгасиз уй-жойлар аниқланганида уларни белгиланган тартибда давлат мулкига ўтказиш учун судга мурожаат этиш мақсадида уларни ҳисобга олиб қўйиш таъминланди.

олти ойдан ортиқ коммунал хизматлар ва уй-жойдан фойдаланиш харажатлари учун ҳақи тўланмаган бўш ётган уй-жойлар аниқланган тақдирда қонунчиликка мувофиқ уй-жой мулкдорларининг муайян жавобгарлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун фуқаролик судларига даъво аризалари киритилди.

Республиканинг уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида бозор муносабатлари изчиллик билан тадбиқ этилмоқда, қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база мустаҳкамланмоқда, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг мулкдорлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, коммунал хизматлар ҳақини тўлашдан олинган маблағлардан оқилона фойдаланишга қаратилган фаолияти кучайтирилмоқда.

Коммунал хизматлар тарифлари асоссиз оширилишининг олдини олиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда, коммунал соҳага энергияни тежайдиган технологиялар тадбиқ этилмоқда, муҳандислик инфратузилмасини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2005 йилнинг 1 январидан аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи бўйича «нулинчи» ставка жорий

этилган, бу эса коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг сарф-харажатларини камайтириш ва тарифлар ўсишини чеклаш имконини берди.

Шу билан бирга жойларда тарифларнинг аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатига мувофиқлиги, тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилиши устидан тегишли назорат таъминланмаяпти. Иссиқлик ва ичимлик сув исрофгарчилигини камайтириш, улардан оқилона фойдаланиш, уй-жой фондини ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, коммунал хўжалик корхоналарининг унумсиз харажатларини қисқартириш чора-тадбирлари етарли даражада амалга оширилмаяпти.

Республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, тарифларнинг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик, шунингдек коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2005 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3662-сонли “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг маълумотига кўра, 2006-2007 йилларда марказлаштирилган иситиш ва иссиқ сув таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматлар тарифларининг миқдори 10 фоиз бўлган фарқини иссиқлик таъминоти корхоналарига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланди.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда энергияни тежайдиган технологияларни татбиқ этиш, қозонхона ускуналарини, иссиқлик тармоқларини капитал таъмирлаш ва кузги-қишки иситиш мавсумига тайёргарлик тадбирларини ўтказишга Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2006-2007 йиллар мобайнида коммунал хўжалиги корхоналарини молиявий ва техник жиҳатдан реструктуризация қилиш, 2008 йилдан бошлаб аҳолига хизмат кўрсатадиган

марказлаштирилган иситиш ва иссиқ сув таъминотининг ўзини-ўзи тўла қоплашга ўтиши бўйича ҳаракатлар дастурини амалга оширди.

Натижада коммунал хизматларнинг рақобат бозорини шакллантирилиб, хусусий корхоналарнинг коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги иштирокини кенгайтириш, барча истеъмолчиларни энергия ва сув ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш асосида энергия ҳамда ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари республика аҳолисига, биринчи галда кузги-қишки даврда, яхши турмуш шароитини таъминлаш, кўрсатилган коммунал хизматлар учун маблағлар тўлиқ йиғиб олиниши ва тарифларнинг асоссиз оширилишига йўл қўйилмаслиги, шунингдек марказлаштирилган иситиш ва иссиқ сув таъминоти бўйича хизматлар босқичма-босқич ўзини-ўзи қоплашга ўтказилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2001 йил 27 апрелдаги 38-сон Буйруғи билан тасдиқланган Аҳоли томонидан коммунал хизматлар ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлагани учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги "Коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида" ПФ-2832-сон Фармонининг 4-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низомнинг амал қилиши фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантиришга, аҳоли томонидан коммунал хизматлар корхоналари томонидан бажарилган уй жой-коммунал хизматлари (газ билан таъминлаш, иссиқ сув таъминоти ва марказий иситиш тармоғи, сув таъминоти ва канализация, санитария тозалаш) ҳамда уй-жой фондидан фойдаланиш ва таъмирлаш хизматлари учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳақ тўланишини таъминлашда уларнинг ролини

оширишга йўналтирилган.

Коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналарнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ўзаро муносабатлари қуйидаги масалалар бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган шартнома асосида қурилади:

- коммунал хизматлар кўрсатувчилар томонидан коммунал хизматлар учун аҳолидан олинадиган тўловлар прогнозини белгилаш ва буни фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ёки уй-жой мулкдорлари ширкатларига етказиш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан тураржой фондини ва сақлаш ва таъмирлаш бўйича эксплуатация харажатлари ҳамда коммунал хизматлар учун аҳолидан тўловларининг тўлиқ тушишини таъминлаш;

- уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан кўрсатилган коммунал хизматлар учун аҳолидан тўловларни коммунал хизматлар кўрсатувчи корхонага тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш;

- коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ўзаро муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа масалалар.

Коммунал хизматлар кўрсатадиган корхоналар коммунал хизматлар учун жорий тўловлар бўйича прогноз тушумлари қуйидаги тартибда бажариш шarti билан уй-жой мулкдорлари ширкатларини махсус счётларига ўтказадилар:

100 фоиз бажарилганда - тушган тўловлар суммасидан 15 фоизи;

75 фоиздан ортиқ бажарилганда - тушган тўловлар суммасидан 7 фоизи.

Коммунал хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотлар прогноз тушумлари тўлиқ ҳажмда (100 фоиз) тушиши таъминланганида ҳар ойда

коммунал хизматлар учун тушган маблағларни 10 фоизини фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг махсус счётларига ўтказадилар.

Уй-жой мулкдорлари ширкатларига тушган маблағнинг 60 фоизини тураржой-коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича мавжуд қарзларни сўндиришга, шу жумладан (фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишиб) кам таъминланган оилаларга хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишда кўмаклашишга, 15 фоизини ўз ходимларини рағбатлантиришга ва 25 фоизини уй-жой мулкдорлари ширкатларига боғлаб қўйилган тураржойларни таъмирлаш ва ҳудудни кўкаламзорлаштиришга йўналтириш тавсия қилинади. Тураржой-коммунал хизматлар учун тўланадиган ҳақ бўйича қарз бўлмаса, уй-жой мулкдорлари ширкатлари коммунал хизматлар кўрсатадиган корхоналардан тушган маблағни тегишли улушда ўз ходимларини рағбатлантириш, ҳудудни ободонлаштириш ва тураржойларни таъмирлашга сарфлаш ҳақида қарор чиқариши мумкин.

## II БОБ. “ФАЙЗ КОММУНАЛ” ХУЖМШ УЙ-ЖОЙ ФОНДИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

### 2.1. “Файз коммунал” ХУЖМШнинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари

“Файз коммунал” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати (қисқача номланиши - “Файз коммунал” ХУЖМШ Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тузилган, ҳамда Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги 6 мавзедаги 1, 2, 3, 5, 8, 13 уйлар манзилидаги кўп квартирали уйлардаги турар жойлар мулкдорлари бирлашмасидан иборатдир. Ширкат Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани 6 мавзе Туркистон Маҳалласи гузарида жойлашган. 1993 йил уй-жой мулкдорлари ширкатига айлантирилган. 2006 йил “Файз коммунал” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига айлантирилган. “Файз коммунал” Ширкати - нотижорат ташкилот бўлиб, юридик шахс ҳисобланади, ўзининг алоҳида мулкига, банк муассасаларида ҳисоб рақамларига, ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга ва штампларга, шунингдек ўзининг рамзига эга.

“Файз коммунал” ширкати ширкат ҳудудида жойлашган Тошкент аэропортига қаршли 1 қаватли бинода жойлашган.

Ширкат ўзига тегишли барча мол-мулки билан ўз мажбуриятлари бўйича жавоб беради ва ўз аъзоларининг мажбуриятлари учун жавоб бермайди. Ширкат аъзолари Ширкат мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Уй-жой фондини биргаликда бошқариш ва унинг сақланиши, бутлиги ва таъмирланишини таъминлаш, кўп квартирали уйдаги мулкдорларнинг умумий мулки ва ер участкасидан фойдаланиш Ширкатни ташкил этишнинг кўзланган мақсади ҳисобланади.

“Файз коммунал” ХУЖМШ 7 та тўрт қаватли уйларга хизмат кўрсатади.

Қуйидагилар “Файз коммунал” ХУЖМШ фаолиятининг предмети ҳисобланади:

- мулкдорлар томонидан кўп квартирали уйдаги умумий мулкни бошқариш бўйича биргаликда қарорлар қабул қилинишини таъминлаш;
- мулкдорларнинг кўп квартирали уйнинг ва ер участкасининг техник, санитария, ёнғинга қарши ва экологик ҳолати зарур даражада сақланишини белгиланган қоидалар, меъёрлар ва стандартларга мувофиқ таъминлаш, шунингдек умумий мулк ҳолатини яхшилаш (мукамал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш) бўйича қарорларининг ижросини таъминлаш;
- мулкдорлар ўртасида умумий мулкни ва ер участкасини сақлаш билан боғлиқ умумий харажатларни, шунингдек Ширкатдаги бошқа харажатларни тақсимлаш, мажбурий бадаллар ва тўловларнинг ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш;
- мулкдорларнинг умумий мулк, ер участкаси ва ободонлаштириш элементларидан фойдаланишга доир, шунингдек қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставда белгиланган доирада манфаатларини мувофиқлаштириш;
- Ширкатнинг умумий мулки, ер участкаси ва мулкидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш;
- мулкдорларнинг умумий мулкига ва коммунал хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган, шунингдек учинчи шахслар билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоялаш;
- кўп квартирали уйдаги истеъмолчиларни коммунал хизматлар билан таъминлашда иштирок этиш, мулкдорлар қарорига кўра коммунал хизматлар буюртмачиси функцияларини бажариш;
- қонун ҳужжатларига ва Ширкат Уставига мувофиқ бошқа фаолиятни амалга ошириш.

Ширкат Уставида кўрсатилган уйда (уйларда)ги турар жойларнинг мулкдорлари - жисмоний шахслар ва бошқа нотураар жой мулкдорлари - юридик шахслар Ширкат аъзолари ҳисобланади.

## “Файз коммунал” ХУЖМШнинг титул варағи

ХУЖМШ райс	Қурбанова Г.А.
Бириктирилган вазирлик	“Ипотека-банк” АТИБ Хошимов Б.
Бириктирилган банк	МБ Марказий амалиёт бўлими Бадалов А.
Туман ҳокимлигидан	Абдуллаев Г.А.
Аҳоли сони	-652 киши
Кўп қаватли уйлар сони	-7та
4 қаватли	-7та
Кириш йўлаклари сони	-28 та
Хонодонлар сони	-276та
Умумий майдони м <sup>2</sup>	-15 437,73
Яшаш майдони м <sup>2</sup>	-9 073,21
Том майдони м <sup>2</sup>	-6048
Ертўла майдони м <sup>2</sup>	-5040
Нотурар жойлар майдони м <sup>2</sup>	-28,5
Болалар майдони	-1 та
Нотурар жойлар	-1 та
Дебитор қарздорлик	-16 370 833 сўм
Кредиторлик қарзлари	-13 286 856 сўм
Ўртача йиллик тушим	-46 415 290 сўм
ХУЖМШ ҳисобидаги қолдиқ жами	-453 682 сўм
шундан, ҳисоб рақамидаги қолдиқ	-0 сўм
-Депозит ҳисоб рақамидаги(30%)	-453 682 сўм

“Файз коммунал” ХУЖМШ хизмат кўрсатаётган кўп хонодонли уйларда 652 киши истиқомат қилади. 7 та уйларнинг ҳар бирида 4 тадан кириш йўлаклари бўлиб, ани 28 та йўлак. Ушбу кўп хонодонли уйларда 276 та хонодон мавжуд. Умумий майдони 15437,73 м<sup>2</sup>, яшаш майдони 9073,21 м<sup>2</sup>,

том майдони 6048 м<sup>2</sup>. Ушбу кўп хонодонларнинг ер тўла майдони 5040 м<sup>2</sup>.


Демак, “Файз коммунал” ХУЖМШ фаолиятини ва уй-жой фондини бошқариш анча мураккаб, биринчидан уйлар сони кўп бўлса, иккинчидан уй-жой фондининг асосий қисми эскирган. Шунингдек ширкат худуди катта майдонни эгаллаганлиги сабабали, худудни ободонлаштириш ва санитар ҳолатни сақлаш ҳам мураккаб ҳисобланади.

## 2.2. “Файз коммунал” ХУЖМШнинг хўжалик фаолияти ва сметаси таҳлили

“Файз коммунал” ХУЖМШ аъзоларининг умумий йиғилиши ва Ширкат бошқаруви Ширкатнинг бошқарув органлари ҳисобланади.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши Ширкат бошқарувининг юқори органи ҳисобланади ва ҳар йили 2 марта, Уставида белгиланган тартибда ўтказилади.

“Файз коммунал” ХУЖМШ аъзоларининг умумий йиғилишини оддий кўпчилик овоз билан сайланадиган йиғилиш раиси бошқаради. Умумий йиғилиш йиғилиш котиби юритадиган баённома билан расмийлаштирилади.



2.1-расм. “Файз коммунал” ХУЖМШ бошқарув тизими

“Файз коммунал” ХУЖМШ хўжалик бошқарувиغا ижрочи директор раҳбарлик қилади.

“Файз коммунал” ХУЖМШнинг тафтиш комиссияси ширкат аъзолари умумий йиғилишида 6 кишидан иборат таркибда 2 йил муддатга сайланган. Ширкатнинг тафтиш комиссияси ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига ҳисобот беради. Тафтиш комиссияси аъзолари айти бир вақтда ширкат бошқаруви аъзолари ва ширкат ходимлари эмас.

Ҳозирги кунда ширкатнинг хўжалик фаолиятида 19 та штат бирлиги мавжуд. Маъмурий бошқарувда 5 та штат бирлиги мавжуд. Директор ширкат таркибидаги уйлар, умумий мол-мулкни сақлаш, хўжалик-молиявий фаолияти масъул ҳисобланади.

Ширкатда 1 та бухгалтер штат бирлиги мавжуд. Одатда бир уйли ширкатларда 0,5 штат бирлик ҳисобчи юритилади. Ушбу ширкатда уй-жой фондининг кўплиги сабабли 1 та штат бирлиги юритилади. Шунингдек, паспортчи фаолият юритади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек ширкатга қарашли уй-жой фондига хизмат кўрсатиш, қиш мавсумида юзага келадиган авария ҳолатларини тезкор бартараф этиш, ҳамда аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида ХУЖМШлар таркибида хизмат кўрсатиш базаси мавжуд. База зарурий асбоб анжомлар ва материаллар билан таъминланган.

Базада уста, электрик, пайвандчи сантехник, электр газпайвандчи иш билан таъминланган.

“Файз коммунал” хусусий уй -жой мулкдорлари ширкати юридик мақомга эга бўлган мустақил ташкилот бўлиб, унинг молиявий хўжалик фаолияти тегишли 7 та уй-жой фондини эксплуатация қилиш ва ундан фойдаланишни ташкил этишни таъминлашга йўналтирилади. Ширкатнинг молиявий маблағлари асосан ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари, хонадон эгаларининг кўрсатилган хизматлар учун тўлайдиган мақсадли тўловлари, нотураржой майдонларидан фойдаланувчиларнинг мажбурий бадаллари маблағларидан ташкил топади.

Хусусий уй- жой мулкдорлари ширкатининг молиявий маблағлари уй- жой фондини фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаш, ширкат ишчи –ҳодимлари меҳнатларига ҳақ тўлаш ва бинони капитал таъмирлаш ва қайта тиклаш учун захира фондига маблағ йиғиш учун сарфланади. Ширкат молиявий харажатлари асосан икки гуруҳга: ишлаб чиқариш харажатларига ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларга бўлинади.


Ширкатнинг молиявий фаолиятини ташкил этиш бошқа корхона ва ташкилотларникидан кескин фарқланади. Бунинг сабаби, хусусий мулкдорлар ширкат олдида икки муҳим вазифани қўядилар. Биринчи вазифа, уй-жой фондини талаб даражасида эксплуатацияга яроқли ҳолда сақлаш, барча турдаги бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини сифатли ва ўз муддатида бажарилишини таъминлаш бўлса, иккинчиси яшовчилардан йиғиладиган мажбурий тўловлар миқдорини камайтиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Шу сабабли ширкатнинг молиявий фаолиятини режалаштириш йиллик харажатлар миқдорини ўрганишдан бошланади.

**2.2-жадвал**  
**“Файз коммунал” ХУЖМШнинг 2013 йил даромадлар сметаси**

<i>минг сўм</i>						
№	Кўрсаткичлари номи			Ойлик	Чораклик	Йиллик
	Даромадлар					
1.	Ширкат	аззоларининг	мажбурий	3 065,6	9 196,8	36 787,3
	бадаллари					
2.	Нотураржой майдонларидан			15	45,1	180,6
	фойдаланувчиларнинг мажбурий					
	бадаллари					
	<b>Жами</b>			<b>3 080,6</b>	<b>9 241,9</b>	<b>36 967,9</b>

Жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, йиллик даромадлар 36967,9 минг сўмни ташкил қилади, жумладан ойлик 3080,6 минг сўмни, чораклик 9241,9 минг сўмни ташкил қилган (2.2-жадвал). Жами

даромадларнинг 99,51 фоизини, яъни 36 787,3 минг сўмини ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари ташкил қилади.



2.2-расм. “Файз коммунал” ХУЖМШ даромадлар таркиби, фоизда

Демак, жами даромадларнинг 0,49 фоизини нотураржой майдонларидан фойдаланувчиларнинг мажбурий бадаллари ташкил қилган. Бу албатта ширкатда фақатгина 1 та нотурар жой фойдаланувчиларининг мавжудлиги билан боғлиқ.

Ширкатнинг харажатлар сметаси даромадларга мос равишда 36967,9 минг сўмга тузилган. Ойлик 3080,6 минг сўми, чораклик 9241,9 минг сўми ташкил қилган.

Ишлаб чиқариш харажатлари жами харажатларнинг 72,2 фоизини ташкил қилиб, 26682,7 минг сўми ташкил қилди. Жумладан, уй-жой фондини сақлаш, яъни жорий таъмирлаш ишлари 16,2 фоизни ташкил қилган. Ишлаб чиқариш харажатларининг яна бир йирик харажатларидан бири 5608,4 минг сўми, жами харажатларга нисбатан хўжалик ходимлари иш ҳақи хараатлари 19 фоизни ташкил қилган. Электр энергия харажатлари 1174,2 минг сўми, жами харажатларга нисбатан 3,2 фоизни ташкил қилган. Шунингдек, дезинфекция харажатларига 582,0 минг сўм мўлжалланган

## “Файз коммунал” ХУЖМШнинг 2013 йил даромадлар сметаси

минг сўм

№	Кўрсаткичлари номи	Ойлик	Чораклик	Йиллик	Жамига нисбатан фоизда
	<b>1. Ишлаб чиқариш харажатлари</b>	<b>2 223,5</b>	<b>6 670,8</b>	<b>26 682,7</b>	<b>72,2</b>
	шу жумладан				
1.	Ишчилар иш ҳақи	467,3	1 402,1	5 608,4	15,2
2.	Иш ҳақи фондидан ЯИТ	116,8	350,5	1 401,6	3,8
3.	Электрэнергия харажатлари	95,6	287	1 174,2	3,2
4.	Дезинфекция харажатлари	48,5	145,5	582	1,6
5.	Жорий таъмирлаш	499,6	1498,6	5 995,1	16,2
7.	Кўзда тутилмаган харажатлар	90	270	1080	2,9
8.	Депозит, капитал таъмирлаш жамғармаси, 30%	905,7	2 717,1	10 868,4	29,4
	<b>2.Маъмурий харажатлар</b>	<b>572,7</b>	<b>1 718,1</b>	<b>6 872,4</b>	<b>18,6</b>
	шу жумладан				
1.	МБП иш ҳақи	408,9	1 226,7	4 906,7	13,3
2.	Иш ҳаққи фондидан ЯИТ	102,2	306,6	1 226,4	3,3
3	ХУЖМШ ассоциациясига аъзолик бадали	61,6	184,8	739,3	2,0
	<b>3.Бошқа харажатлар</b>	<b>284,4</b>	<b>853</b>	<b>3 412,8</b>	<b>9,2</b>
	шу жумладан				
1.	Банк хизмат кўрсатиши	90,4	271,2	1 084,8	2,9
2.	ХУЖМШ ходимларига мукофот ва моддий ёрдам	109,6	328,6	1 315,2	3,6
3.	Мукофот пулидан ЯИТ	27,4	82,2	328,8	0,9
4.	Ойлик йўл чиптаси, канцеляри моллари, бланкалар	57	171	684	1,9
	<b>Жами харажатлар</b>	<b>3 080,6</b>	<b>9 241,9</b>	<b>36 967,9</b>	<b>100,0</b>

бўлиб, бу тадбир бир йилда бир марта амалга оширилсада, харажатлар ойлик ва чораклик харажатларга тақимланганлиги сабабли, ушбу харажат ҳам даврларга тақсимланган. Шунингдек 1080 минг сўм кўзда тutilмаган харажатлар мўлжалланган.

Маълумки, депозит, яъни капитал таъмирлаш жамғармасига даромадларининг 30 фоизи ажратилади. Жумладан 2013 йилда бир ойлик 905,7 минг сўм, чораклик 2717,1 минг сўм, бир йиллик 12 428 508 сўм махсус ҳисоб рақамда жамғариб бориш кўзда тutilган.



### 2.3-расм. “Файз коммунал” ХУЖМШ харажатлари таркиби, фоизда

Маъмурий харажатлар жами харажатларининг 18,6 фоизини, яъни 6872,4 минг сўмни ташкил қилган. Бунинг асосий қисмини маъмурий бошқарув персонали иш ҳақи ташкил этади. Жумладан, бир йолик иш ҳақи фонди 408,9 минг сўмни, чораклик 1226,7 минг сўмни, йиллик 4906,7 минг сўмни ташкил қилган. Иш ҳақи фондидан бюджетга ягона ижтимоий тўлов йиллик 1226,4 минг сўм тўланган.

Шунингдек, Юнусобод тумани ХУЖМШ уюшмасига аъзолик

бадалига ойлик 61,6 минг сўм, йиллик 739,3 минг сўм тўланган.

Бошқа харажатлар жами харажатларнинг 9,2 фоизини, яъни 3412,8 минг сўмни ташкил этган. Ушбу харажатларнинг асосий қисмини ширкат ходимларини моддий рағбатлантириш харажатлари ва ушбу мукофот пулларидан ягона ижтимоий тўловлар ташкил этади, жумладан 2013 йилда 1315,2 минг сўм мукофот пулари ва моддий ёрдам, 328,8 минг сўм ягона ижтимоий тўлов ташкил қилган. Шунингдек банк хизматлари учун 1084,8 минг аратилган.

Таҳлил шуни кўрсатдики, ширкатнинг даромадлар ва харажатлар сметаси оптимал тузилган, лекин иш ҳақи харажатларидан ташқари моддий рағбатлантиришга сезиларли даражада кўп маблағ аратилган. Фикриимизча ушбу маблағларни ширкат жорий фаолияти натижалари ва даромадлар сметасининг бажарилишидан келиб чиқиб амалаг ошириш лозим.

### **2.3. ХУЖМШ фаолиятининг молиявий натижалари таҳлили**

ХУЖМШларнинг молиявий ҳолати бу:

- комплекс равишдаги тушунча бўлиб, у ўз ичига кенг кўрсаткичлар тизимини олади ва улар ширкатларнинг молиявий ресурслари борлигини, ҳолатини, жойлашганлигини ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалайди;

- ширкатлар фаолиятидаги бутун хизмат кўрсатиш ва хўжалик омилларининг ҳаракати, уларнинг ўзаро алоқадорлиги натижасидир;

- ширкатларнинг барқарор хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик ва бошқа фаолияти учун зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланиш ифодасидир;

- ширкатнинг бошқа хўжалик субъектлари ва ташкилотлари билан ўзаро алоқаларни ҳақиқий акс эттиришидир.

2.4– жадвал. “Файз коммунал” ХУЖМШнинг молиявий натижалари

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	2013 йил	Фарқ (+;-)	Ўзг. нис. %
1	Хизмат кўрсатишдан тушган тушум	28876,0	37160,5	44834,4	7673,9	120,7
2	Кўрсатилган хизматларнинг ишлаб чиқариш таннари	23159,5	33504,3	36460,1	2955,8	108,8
3	Ялпи фойда	3716,5	3656,2	8374,3	4718,1	229,0
4	Давр харажатлари	6647,6	9227,6	11139,4	1911,8	120,7
5	Маъмурий харажатлар	5888,1	8286,4	10243,9	1957,5	123,6
6	Бошқа операцион харажатлар	759,5	941,2	896,4	-44,8	95,2
7	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	1169,4	2278	0	-2278	0,0
8	Асосий фаолиятнинг зарари	1761,7	3293,4	2765,1	-528,3	84,0
	Умумхўжалик фаолиятининг зарари	1761,7	3293,4	2915,2	-378,2	88,5
9	Даромад (фойда) солиғини тўлангунга қадар зарар	1761,7	3293,4	2915,2	-378,2	88,5
10	Ҳисобот даврининг зарари	1761,7	3293,4	2915,2	-378,2	88,5

ХУЖМШларнинг ички ва ташқи омиллар таъсири остида шаклланган молиявий ҳолати, уларнинг истиқболини аниқлаш билан бирга, бу ширкат билан алоҳида бўлган бошқа ташкилотлар ва корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади. Умуман ширкатларнинг хизмат кўрсатиш, хўжалик фаолиятини, жумладан уларнинг молиявий ҳолати таҳлили асосини бир бутун комплекс иқтисодий фанлар: иқтисодий назария, макро ва микро иқтисодиёт, менежмент ва маркетинг, статистика, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, молия, кредит, пул муомаласи ва бошқа фанлар ташкил этади. Демак, таҳлилчи мутахассис-аудиторлар кенг иқтисодий илмга эга бўлишлари лозим.

Ширкатларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш - бу кенг кўрсаткичлар ёрдамида, комплекс усулларидан фойдаланиб ширкатларнинг молиявий ресурслари таркибини, ҳолатини, жойлашганлиги ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалашдир.

Молиявий таҳлил кўп қиррали мураккаб жараён бўлиб, у ташкил қилиниши, бунинг учун эса бир қатор талабларга асосланиши керак. Бу талаблар қуйидагилардан иборат:

- абсолют ва нисбий кўрсаткичлар ўртасидаги алоқаларни борлигини билиш;

- молиявий таҳлил мобайнида абсолют ва нисбий кўрсаткичлардан биргаликда фойдаланиш;

- молиявий таҳлил мантикий равишда амалга оширилиб, у индуктив усулга - алоҳида ҳодисалардан умумий ҳодисаларга ўтиш, молиявий ҳолатнинг бир шакл кўринишидан умумий кўринишга ўтиш ва дедуктив усулга - умумий ҳодисалардан алоҳида ҳодисаларга ўтишга асосланиб таҳлил қилиш;

- ҳамма фойдаланилаётган кўрсаткичлар бир хил, асосланган усулда аниқланиши лозим;

- молиявий ҳолатни таҳлил қилишда таҳлил қилинаётган ширкат кўрсаткичларини бошқа ширкатлар, ўртача тармоқ кўрсаткичлари ва илғор

ширкатлар кўрсаткичлари билан таққослаш;

- молиявий таҳлилнинг ҳар томонлама бўлишлиги ва ширкатларнинг умумий молиявий ҳолатига таъсир қилувчи омилларни таҳлил этиш;

- молиявий таҳлилни самарали ўтказиш учун керакли маълумотларни олдиндан тайёрлаш ва бу борада асосий тасдиқанган молиявий манбалар билан чекланмасдан бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш;

- молиявий таҳлил объектив равишда ташкил қилиниб, у ширкатларнинг молиявий ҳолати реал даражасини ифодалаш лозим;

- молиявий таҳлил ўз вақтида ўтказилиб, таҳлил яқунларига асосланиб, молиявий ҳолатни яхшилаш чораларини аниқ амалга оширишга имкон бериш;

- молиявий таҳлил комплекс равишда ўтказилиб, унда молиявий ҳолатнинг ҳамма шакл ва йўналишлари ифодаланиши лозим;

- молиявий таҳлил ўз вақтида ва ҳаққоний бўлиб, у молиявий ҳолатни кўтаришга бағишланган тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишга имкон бериши керак;

- молиявий ҳолатни таҳлил қилиш шундай вақтда ўтказилиши лозимки, таҳлил яқунлари қўйилган мақсадни амалга ошириб, ширкат бошқарувини такомиллаштиришга имконият туғдириши лозим;

- молиявий таҳлил барча йиғилган ва умумлаштирилган маълумотларга асосланиб, керакли кўрсаткичлардан фойдаланиб, бу кўрсаткичларнинг асослилиги тўғри усулларда аниқланиши лозим.

Кўриниб турибдики, молиявий таҳлил кўп қиррали мураккаб ва муҳим бўлганлиги сабабли у бир қанча талабларга асосланган бўлиши лозим. Юқорида кўрилган талабларга асосланиб, молиявий таҳлил ширкатларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда қуйидаги вазифаларни бажаришга йўналтирилиши керак:

1. Ширкатларнинг молиявий даражасини баҳолаш.

2. Молиявий ҳолатининг ўзгаришини аниқлаш.

3. Моливия ҳолатига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш.

4. Ширкатларда қўлга киритилган молиявий ҳолат даражасини ифодалаб, бу борада ҳали фойдаланилмаган имкониятларни, мавжуд заҳираларни кўрсатиб бериш.

5. Ширкатларда ҳали фойдаланилмаган имкониятларни сафарбар этиш мақсадида тавсиялар, таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш шарт-шароитларини кўрсатиб бериш.

Бажариладиган вазифалар шуни кўрсатаптики, молиявий ҳолатни таҳлил қилиш ширкатларда шаклланаётган бошқарув тизимини такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Молиявий таҳлил бошланмасдан таҳлилнинг объектлари ва предметлари аниқланиши лозим. Молиявий таҳлилнинг асосий объекти бўлиб: хўжалик субъектлари, алоҳида ташкилотлар ҳисобланади. Лекин молиявий ҳолат ширкатлар гуруҳи, уй-жой фондига хизмат кўрсатиш тармоқлари миқёсида ҳам аниқланиши мумкин.

Молиявий таҳлилнинг предмети бўлиб, ширкат ва ташкилотларнинг молиявий фаолияти, уларнинг молиявий ресурсларидан фойдаланиш жараёни ҳисобланади.

Умуман олганд молиявий таҳлилнинг мақсади ва унинг йўналишини эътиборга олсак, молиявий таҳлил ҳар хил шаклда бўлиши мумкин; тармоқлараро, тармоқда, корхона миқёсида, жорий ва истиқболий, тезкорлик ва тугалланган бўлиши мумкин. Тармоқлараро молиявий таҳлилда тармоқлараро иқтисодий алоқаларни назарда тутган ҳолда таҳлил қилинаётган ширкатларнинг молиявий ҳолати ўртача соҳа кўрсаткичлари билан солиштирилади.

Соҳа миқёсида ўтказилаётган молиявий таҳлилда таҳлил қилинаётган ширкатларнинг молиявий кўрсаткичлари шу соҳадаги бошқа ширкат ҳамда илғор ширкатлар кўрсаткичлари билан таққосланади. Бозор муносабатлари даврида бутун ширкат ва ташкилотлар мустақил равишда фаолият олиб борар экан, молиявий таҳлилнинг энг асосий бўлиб алоҳида ширкатларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ҳисобланади.

Тугалланган молиявий таҳлилда ширкатнинг бутун молиявий ҳолати таҳлил қилинади, ундан ташқари ширкатлар молиявий ҳолатининг алоҳи йўналишлари, шакллари таҳлил қилиниши мумкин.

Тезкор, таҳлил ширкатлар фаолиятида доимо, узликсиз бўлиши керак, унда молиявий ҳолатнинг алоҳида кўрсаткичлари кузатиб борилади, уларнинг ўзгаришига қараб бошқарув тадбирлари ишлаб чиқилиб амалга оширилади.

Жорий молиявий таҳлил чорак ва ярим йиллик молиявий ҳисоботлар бўйича ўтказилиб, молиявий ҳолатни йил давомида ўзгартириб, яхшилаб туриш имкониятини беради. Фаолият кўрсатаётган ҳар бир ширкат ўз истиқболига эга бўлиши зарур, бу истиқбол тадбирлари эса ширкатлар бўйича ишлаб чиқилиши керак. Шу муносабат билан ширкатларнинг молиявий ҳолати истиқболини ҳам таҳлил қилиб туриш керак.

Молиявий таҳлилнинг йўналтирилганлиги нуқтаи назардан молиявий таҳлил қуйидаги шаклларда ўтказилиши мумкин:

- горизонтал таҳлилда ҳисобот давридаги молиявий ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичлар ўтган давр билан таққосланади, яъни бу кўрсаткичларнинг динамикаси аниқланади;
- вертикал таҳлилда молиявий ҳолатга таъаллуқли бўлган кўрсаткичларнинг таркибий-тузилмаси ўрганилади. Масалан, ширкат маблағларининг ёки уларни қопловчи манбааларининг ҳисобот давридаги таркиби ва уни ўтган даврга нисбатан ўзгариши ифодаланади;
- нисбий кўрсаткичлар таҳлилида молиявий ҳолат кўрсаткичлари ўртасидаги алоқа ўрганилади. Масалан, ширкат маблағларининг ва уларнинг манбаалари ўртасидаги алоқа, молиявий ресурслар ва улардан фойдаланиш ўртасидаги алоқа ифодаланади;
- таққослаш таҳлилида ширкат бўйича молиявий ҳолат унинг алоҳида бўлимчалари молиявий ҳолати билан таққосланди, бу ширкатнинг молиявий ҳолати бошқа ширкатларнинг молиявий ҳолати билан солиштирилади;
- пировардида, омиллар таҳлилида ширкатнинг молиявий ҳолатига

таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил этилади.

Юқорида кўрсатилган молиявий таҳлилнинг шаклларида ташқари яна амалиётда ички ва ташқи, молиявий ва бошқарувчанлик таҳлили шакллари қўлланилади.

Ички молиявий таҳлил ширкатларнинг ходимлари томонидан ўтказилиб, шу ширкатларнинг бошқарув тизимини келгусида такомиллаштириш ва молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида ўтказилади.

Ташқи молиявий таҳлил ширкатларнинг ходимлари томонидан эмас, бошқа ташкилотлар ходимлари томонидан ўтказилади. Бу таҳлил ширкатларнинг илтимоси бўйича ёки ташқи ташкилот, ширкат ходимлари томонидан назорат сифатида ўтказилиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ва бошқарувлик таҳлилидан кенг фойдаланилмоқда ва бу таҳлил шакллари катта аҳамият касб этапти.

Молиявий таҳлил - бу ширкатларнинг очиқ тарздаги молиявий ҳисоботларининг маълумотларига асосланиб ўтказиладиган таҳлилдир.

Юқорида таъкидланганидек, молиявий таҳлилни ширкатларнинг ходимлари ўтказиши мумкин, лекин молиявий ҳисобот очиқ бўлганлиги учун бу таҳлилни бошқа ташқи ташкилотлар — солиқ, молия, банк ва бошқалар томонидан ўтказилади ҳамда ширкатларнинг молиявий ҳолатига баҳо берилади.

Бошқарув таҳлил бевосита ширкатлар томонидан ўтказилиб, у ҳам очиқ, ҳам ёпиқ ҳисобот ахборотларига асосланади ва бу таҳлил якунлари ширкатлар раҳбарияти томонидан бошқарувликни такомиллаштириш учун фойдаланилади. Бу таҳлил ёпиқ маълумотлардан фойдаланилганлиги учун бу таҳлилни асосан ташқи ширкатлар эмас, бевосита ширкат ходимлари олиб борадилар, чунки бозор муносабатлари даврида ҳар бир ширкат ўзининг ҳисоб сиёсатига эга. Шунингдек, унинг фаолиятида тижорат сирлари бўлиб, улар молиявий ҳисоб ва ҳисоботда эмас, бошқарма ҳисоб ва ҳисоботида ифодаланади.

Молиявий ва бошқарма таҳлил шакллари бир-бирини инкор

қилмайди, улар бир-бири билан боғлиқ, лекин бажарилган вазифалари ва хусусиятлари ҳар хил.

Молиявий таҳлил қуйидаги хусусиятларга эга:

молиявий таҳлилнинг яқунлари очик бўлиб, улардан, ҳамма фойдаланиши мумкин;

молиявий таҳлилнинг субъектлари ва бу таҳлилнинг яқунларидан фойдаланувчи ширкат, ташкилотлар таркиби кенг;

молиявий таҳлил ҳамма учун мосланган, нашр этилган ҳисобот маълумотларига асосланади;

молиявий таҳлил ширкатлар ички бошқарув муаммоларини ечиш учун ўтказилади;

молиявий таҳлилнинг йўналиши молиявий ҳисобот маълумотлари билан чекланган бўлиб, унда чегараланган бир аниқ, вазифалар ечилади. Бу молиявий мустаҳкамлик, баланс ликвидлиги, фойда, рентабеллик даражаси ва бошқалардир.

Ўз навбатида тафтиш комиссиясининг таҳлили қуйидаги хусусиятлар билан ифодаланади:

ширкат тижорат сирларини сақлаш мақсадида тафтиш комиссияси таҳлилининг ёпиқлиги;

тафтиш комиссияси таҳлили ўтказилганда фойдаланадиган маълумотлар таркиби чегараланмайди. Бу таҳлилда очик, молиявий ҳисобот маълумотларидан ташқари, бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, махсус ташкил қилиб йиғилган маълумотларидан фойдаланилади;

тафтиш комиссияси таҳлилида таҳлил йўналишлари, фойдаланилаётган кўрсаткичлар, бажариладиган вазифалар чегараланмайди;

тафтиш комиссияси таҳлилининг яқунлари ички мақсадлар ҳамда молиявий ҳолатни яхшилаш учун фойдаланилади.

Кўриниб турибдики, ширкатларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш кенг миқёсда ва аниқ, вазифаларни бажариш учун ўтказилади. Ширкатларни хизмат кўрсатиш, хўжалик фаолиятининг молиявий ҳолатини

таҳлил қилиш учун анъанавий усуллар билан бирга, кенг тарзда статистика усуллари, молиявий ҳолатни ифодаловчи маълумотларни йиғиш ва умумлаштириш, статистик кузатишларни ўтказиш, абсолют, нисбий, ўртача, динамик кўрсаткичлардан фойдаланиш, динамик қаторлардан, иқтисодий индекслар тизимидан, омиллараро корреляция алоқаларни аниқлаш, жадвал ва чизма тизимдан фойдаланиш лозим.

Умуман таҳлил қилиш усуллари, айниқса, молиявий ҳолатни таҳлил қилиш усуллари бозор муносабатларига ўтиш билан янада такомиллаштирилиши, ширкатлараро таққослаш, рақобатчи ва илғор ширкатлар билан таққослаш ҳамда ширкатларнинг истиқбол молиявий ҳолатини таҳлил қилиш усуллари катта аҳамиятга эга бўлиб қолади.

Молиявий таҳлил кўп қиррали мураккаб иш бўлиб, у ўз ичига ширкатларда шаклланган молиявий ҳолатни, унинг алоҳида йўналиш бўйича молиявий ҳолатини аниқловчи шарт-шароит, омилларни, ширкатлар молиявий ҳолатининг келгусида кўтариш имкониятларини, заҳираларини, йўналишларини таҳлил қилишни олади. Демак, молиявий таҳлилни ҳар томонлама тайёрлаб, сўнг ўтказиш лозим. Шу сабабли молиявий таҳлилни тайёрлаш ва ўтказиш бир қанча босқичларни ўзига олиб, улар қуйидагилардан иборат:

- молиявий таҳлилни ўтказишнинг ишчи дастурини тузиш. Дастурда таҳлилнинг мақсади ва вазифалари аниқланади;
- таҳлилни ўтказувчиларнинг таркибини аниқлаш, яъни таҳлил қилувчиларнинг рўйхатини тузиш;
- таҳлил учун фойдаланиладиган иқтисодий маълумотларни тўплаш;
- молиявий таҳлилда фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизимини аниқлаш;
- молиявий таҳлил кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини аниқлаш;

- таҳлилда фойдаланадиган кўрсаткичларни ҳисоблаш ва уларни умумлаштириш;

- таҳлил яқунларини жадваллар ва чизмаларда шакллантириш;
- молиявий таҳлил натижасида хотима тайёрлаб, унда таҳлил яқунлари бўйича хулосалар чиқариб, келгусида ширкатнинг молиявий ҳолатини кўтаришга бағишланган тавсиялар ишлаб чиқиш;

- молиявий таҳлил яқунларини махсус йиғилишда муҳокама қилиш;
- таҳлил яқунлари бўйича муҳокама натижаларини эътиборга олиб, ширкатнинг молиявий ҳолатини кўтариш мақсадида бошқарув тизимини такомиллаштиришга бағишланган тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни ширкат раҳбариятининг махсус қарорида ифодалаш.

Ўтказилаётган молиявий таҳлилнинг даражаси ва мазмуни фойдаланилаётган маълумотлар базасига боғлиқ. Иқтисодий фанларнинг ривожланиши, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг такомиллаштирилиши билан маълумотлар базаси ҳам такомиллашиб боради. Демак, фойдаланиладиган маълумотлар молиявий таҳлилнинг манбалари бўлиб ҳисобланади. Бундай манбалар сифатида ширкатларнинг йиллик ва бошқа ҳисоботларини кўриш мумкин.

Бу даврда йиллик ҳисоботлар таркиби бой бўлиб, молиявий ҳолатни ҳар томонлама таҳлил қилиш учун имкомият берган. Лекин бу даврда молиявий таҳлил кам эътибор берилган. Молиявий таҳлил пайтида фақатгина айланма маблағларнинг айланиши ҳамда фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари таҳлил қилинган, холос.

Балансга иловалардан кўришиб турибдики, молиявий таҳлил учун зарур бўлган бир қанча аҳамиятли кўрсаткичлар берилган. Бу захира, жамғарма, истеъмол фондлар, ижтимоий соҳа фонди, бюджетдан махсус молиялаш фонди тўғрисида маълумотлар, узоқ ва қисқа муддатга олинган банк кредитлари, узоқ ва қисқа муддатли кредиторлик қарзлар, акциялар, облигациялар (заёмлар) ва бошқа қимматли қоғозлар тўғрисида, ижтимоий суғурта, аҳолининг бандлик даражаси, фондлар тўғрисида ва бошқа маълум-

мотлар келтирилган.

Юқорида айтилгандек, республикада ҳисоб ва ҳисоботни ташкил этиш халқаро андозаларга ўтказилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1997 йил 15 январда “Корхоналар ва ташкилотларнинг йиллик, чорак молиявий ҳисоботи шакллари ва ҳажмини тасдиқлаш тўғрисида” буйруқ қабул қилди. Бу буйруққа биноан Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддаси “Молиявий ҳисобот”га асосланиб, ширкатлар молиявий ҳолатини таҳлил қилиш учун фойдаланадиган молиявий ҳисоботларнинг шакллари тасдиқланиб, фойдаланишга тақдим этилган бўлиб, бу ҳисоботлар куйидагилардан иборат:

Тасдиқланган молиявий ҳисоботларда уларда келтириладиган маълумотлар таркиби, мазмуни ўзгартирилди ва молиявий таҳлилни чуқурлаштириш учун имкониятлар кенгайтирилди. Молиявий фаолият тўғрисидаги ҳисоботда сотилган маҳсулотлардан олинган умумий тушумдан ва ширкат умумий фойдасидан ташқари сотилган маҳсулотлардан олинган соф тушум, ширкат молиявий ҳолатининг ҳар хил шакллари, валюта бўйича курс фарқлари, фавкулотда фойда ва зарарлар, бюджетга тўловлар ва ширкатнинг соф фойдаси тўғрисида маълумотлар келтирилган. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотномада республикадаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлар, республикадаги муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотлар мавжуд. «Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»да ширкатга тегишли манбалардан тушаётган пул маблағлари ҳаракати тўғрисида кўрсаткичлар келтирилган.

Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга бағишланган бу тадбирлар молиявий таҳлилнинг маълумотлар базасини бойитади, бу маълумотлардан фойдаланишни, молиявий таҳлил ўтказишни енгиллаштиради.

## **III БОБ. КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ВА ТЎЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **3.1. Кўрсатилган коммунал хизмат учун тўловларни ундириб олиш ва мавжуд дебитор қарздорликни қисқартириш йўналишлари**

Бугунги кунда ўта долзарб масалалардан бири бўлган кўрсатилган коммунал хизмат учун тўловларни ундириб олиш ва мавжуд дебитор қарздорликни кескин қисқартириш ишларини тубдан ўзгартиришимиз зарур.

**Биринчидан** қарздорлар рўйхати асосида тегишли хужжатларни расмийлаштириб, суд идораларига топширишни жадаллаштириш ҳамда 2011 йилдан қолдиқ бўлиб ўтган 47,3 минг дона хужжатларни 17,4 млрд сўм маблағни ундириб олиш.

Бу борада 2011 йилда 288 минг дона истеъмолчиларнинг 60,3 млрд.сўмлик қарздорлиги судга топширилиб, шундан 247,9 мингтаси яъни 86 фоизи қаноатлантирилди ва улардан 54,6 млрд.сўми ундирилди.

**Иккинчидан**, амалдаги қонунчиликга мувофиқ қарздорлиги юқори бўла тўриб ойлар давомида тўламаётган истеъмолчиларни таъминот турларидан узиш орқали тўловларни ундириш. Шунингдек, мухандислик тармоқларга ўзбошимчалик билан уланиб олинган ҳолатларни аниқлаб, уларга нисбатан қонуний чора кўриш учун ҳуқуқ тартибот идоралари билан ҳамкорликда тизимли ишларни ташкил этиш.

**Учинчидан**, Вазирлар Маҳкамасининг топшириғи асосида иқтисодиёт мажмуаси томонидан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, ҳамда вазирлик идораларда ишловчи раҳбар ва масъул ходимларнинг коммунал тўловларидан қарздорлигини ундириш.

**Бешинчидан**, Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган низомга мувофиқ ҳудудий давлат бошқаруви органлари ходимларининг аризалари

асосида электр ва газ учун тўловларни иш хақи хисобидан амалга ошириш ҳамда имкониятдан келиб чиқиб, ўз ходимлари учун кредитлар расмийлаштириб, ходимларга тўлаб бериш.

**Олтинчидан,** вазирлик, идора ва компанияларнинг марказий аппаратида ишловчи ходимларнинг кўрсатилган коммунал хизматлари тўловларига аниқлик киритиб олинди. Хусусан бугунги кунда 55 та вазирликнинг рўйхати олиниб, унда ишловчи 4462 та ходимларнинг 578,2 млн.сўмлик қарздорликлари аниқланди. Асосий қарздорлик газ таъминоти бўйича 283,8 млн.сўм, иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун 141,5 млн.сўм ҳамда электр таъминоти учун 105,1 млн.сўмни ташкил этади. Бу бўйича вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари билан биргаликда қарздорликни камайтириш чораларини кўрилмоқда.

**Еттинчидан,** аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида, жойларда қўшимча равишда кассалар сонини кўпайтириш ҳамда уларнинг иш вақтларини 18-00 дан 20-00 га қадар (дам олиш кунларисиз) узайтириш.

Бунинг натижасида 2012 йил мобайнида жами дебитор қарздорлик 89,9 млрд.сўмга камайтирилиб, шундан аҳоли истеъмолчилари 40.3 млрд сўм, улгурди истеъмолчилар 49.6 млрд.сўм.

**Жумладан**

- газ таъминоти бўйича 29.1 млрд.сўм.
- электр таъминоти бўйича 36.9 млрд.сўм.
- иссиқлик таъминоти бўйича 15,7 млрд.сўм.
- ичимлик суви таъминоти бўйича 8.6 млрд.сўмни ташкил этади.

Ҳозирги кунда коммунал тўловлари тўланганлигини тўғрисидаги маълумотлар талаб этиладиган ҳолатлар:

**Шаҳар Ички ишлар бошқармаси бўйича:**

- Фуқаролар автомобил сотиб олиб, уни давлат рўйхатидан ўтказиш, ёки рўйхатдан ўчириш, қўйиш ҳамда бошқа фуқаронинг номига расмийлаштириш вақтида (номер олиш);
- Хайдовчилик гувоҳномасини олиш вақтида;

- Йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, жарима тўловларини тўлаш жараёнида;

- Фуқароларни доимий рўйхатдан ўтказиш вақтида.
- Фуқаролик паспортларини олиш, алмаштириш ҳамда чет элга чиқиш учун рухсатномаларни (виза) расмийлаштириш жараёнида.

Нотариус идоралари бўйича:

- Мулкларни ворислик ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнида.

Архитектура ва қурилиш бошқармаси бўйича:

- Турар ва нотурар жойларни бузилиши ҳудудида тушганлиги тўғрисидаги маълумот бериш жараёнида

- Ўзига тегишли бўлган бино, иншоотни таъмирлаш, қайта қуриш ва реконструкция қилиш вақтида шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилиниши жараёнида.

- Савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва бино иншоотларни қуриш учун ер майдони ажратилаётган жараёнида.

Ер ресурслари ва кадастр хизмати бўйича:

- Биноларни ижарага бериш шартномасини рўйхатга олиш жараёнида

- Ипотека шартномасини рўйхатга олиш жараёнида

- Номида уй-жой бор ёки йўқлиги ҳақида маълумотнома талаб этилган жараёнда.

- Якка тартибда уй-жойларни янгитдан қуриш, номига расмийлаштириш ва давлат кадастр рўйхатидан ўтказиш жараёнида;

Давлат мулки қўматиси бўйича:

- Ҳокимликлар тасарруфидаги турар-жойларни хусусийлаштириш вақтида.

Туман ҳокимликлари бўйича

- Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун мурожат қилган фуқароларни рўйхатдан ўтказиш даврида.

- Турар-жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш вақтида.

Мухандислик хизмат кўрсатиш корхоналари бўйича:

- Коммунал тармоқларига уланиш учун техник шартларни бериш вақтида.

Банк соҳаси бўйича:

- Истемол кредитларини ажратиш жараёнида

2012 йилда Тошкент шаҳрида кўп қаватли турар-жой фондини таъмирлаш ва тартибга тадбирлари йўналишлари:

1. Кўп қаватли турар-жойлар мухандислик тармоғини капитал таъмирлаш – 300 та турар-жой

2. Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўп қаватли уй-жойларда лифтларни:

Янгилаш – 210 та; Мукамал таъмирлаш – 125 та; Реконструкция қилиш – 179 та;

